

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI



**ILMIY
AXBOROTNOMA**

2022

- **НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**
- **SCIENTIFIC BULLETIN OF
NAMANGAN STATE UNIVERSITY**



ISSN:2181-0427

journal.namdu.uz





“ШАЖАРАЙИ ТУРК” ДА ҲИКОЯТЛАР ТАДҚИҚИ

Абдуллаева Марғуба Дусмиратовна
филология фанлари доктори, доцент,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Ўзбекистон, Тошкент
Email: margubaabdullayeva507@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада мумтоз адабиётда ҳикоят жанрининг ўзига хос жиҳатлари ёритилади. Тарихий асарлар таркибида келган ҳикоятларнинг жанр хусусиятлари, гоёвий-эстетик таъсир масалалари таҳлилга тортилади. Абулғазий Баҳодирхон “Шажарайи турк”да тарихий шахслар зикрида, улар билан боғлиқ дидактик руҳдаги ҳикоятларни бериб ўтади. Бу ҳикоятлар тарихий шахснинг ижтимоий фаолиятини ёритиши билан бирга руҳияти, маънавий қиёфасини ҳам ўқувчи кўз ўнгиде жонлантириб беришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: ҳикоят, “Шажарайи турк”, таҳлил, гоё, инсоний сифатлар, маънавий қиёфа, тарихий воқеа.

ИЗУЧЕНИЕ РАССКАЗОВ В “ШАДЖАРАИ ТЮРК”

Абдуллаева Марғуба Дусмиратовна
Доктор филологических наук, доцент,
Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы
Узбекистан, Ташкент
Email: margubaabdullayeva507@gmail.com

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности жанра рассказа в классической литературе. Анализируются жанровые особенности рассказов в исторических произведениях, вопросы идейно-эстетического воздействия. В «Шаджарайи тюрк» Абулгази Баходирхан рассказывает истории об исторических личностях в дидактическом духе. Эти рассказы не только освещают общественную деятельность исторического деятеля, но и служат оживлению его психики и духовного образа в глазах читателя.

Ключевые слова: повесть, «Шаджарайи тюрк», анализ, идея, человеческие качества, духовный образ, историческое событие.

STUDYING STORIES IN "SHAJARAI TURK"

Abdullaeva Marguba Dusmiratovna
Doctor of Philology, Associate Professor,
Tashkent State University of Uzbek Language and Literature
Uzbekistan, Tashkent
Email: margubaabdullayeva507@gmail.com

Annotation. This article discusses the features of the genre of the story in classical literature. Genre features of stories in historical works, issues of ideological and aesthetic impact are analyzed. In "Shajarai Turk" Abulgazi Bahodirkhan tells stories about historical figures in a didactic spirit. These stories not only

illuminate the social activities of the historical figure, but also serve to revive his psyche and spiritual image in the eyes of the reader.

Key words: *story, "Shajarai Turk", analysis, idea, human qualities, spiritual image, historical event.*

Адабиётшунос Р.Жумаев ўз тадқиқотида “Ҳикоят анъанасининг ўзига хосликлари” ҳақида тўхталиб, ҳикоят жанри мусулмон Шарқи адабиётидаги ўзига хос бир адабий ҳодиса эканлигини таъкидлаб ўтади [6; 11–12-бетлар]. Ҳикоят жанри маълум бир воқеага асосланади. Ҳикоятлар одатда, муайян асарнинг таркибида келади. “Шунинг учун **“ҲИКОЯТ”** истилоҳини ҳозирги маънодаги **“ҲИКОЯ”** атамаси билан бир хил тушунча деб ҳисобламаслик керак. Ҳикоя – мустақил адабий жанр, яъни: **“бадий адабиётда кичик эпик жанр, ҳаёт ҳодисалари ихчам ифода этиладиган насрий асар”** [10; 330-бет]ни англатади. Бироқ унинг юзага келишида ҳикоятларнинг сезиларли ўрни ва таъсири бор. Бошқача айтганда, ҳикоя – ҳикоятнинг равнақи натижасида юзага келган жанр. Чунки ҳикоятда ҳам, худди ҳикоядаги каби, нисбатан кичик бир воқелик тасвир ва баён объекти қилиб олинади. Адабиётшуносликда ҳикоя жанри кенг ўрганилган [3]. Бироқ форсий ва туркий адабиётдаги ҳикоят хусусиятлари ўрганилган тадқиқотлар у қадар кўп эмас [4; 8;]. М.Курбанниязов “XIV аср ўзбек адабиётида ҳикоят жанри тараққиёти (“Қисаси Рабғузий” мисолида)” [7; 173-бет] мавзусидаги диссертациясида “Қисаси Рабғузий” ва “Наҳжул фародис” даги ҳикоятларнинг тарихий асосларини, бадийлик мезонларини ўрганиб, XIV аср ҳикоячилиги тараққиёти омилларини аниқлашга ҳаракат қилган. Агиографик [“Агиография” сўзи юнонча “агиос” – авлиё, “графия” – ёзаман маъносини билдиради. Пайгамбарлар, анбиё ва авлиёларнинг ибратли ҳаёти, фаолиятига бағишланган асардир.] асарларда ҳикоят жанрининг таснифини амалга оширган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳикоят жанри бадий ва дидактик асарлар мисолида илмий жиҳатдан ўрганилган. Бироқ биз ўртага қўйган муаммо адабий-тарихий асарларда бу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий насрда тутган ўрни ўрганилган ва тадқиқ этилган эмас. Шу боисдан тарихий-насрий манбаларда ҳикоят жанри хусусиятлари ва бу жанрнинг ўша давр тарихнавислигида тутган ўрнини аниқлаш зарур.

Тарихий мавзудаги асарларда ҳикоятлар ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий мазмун касб этган. Бадий адабиётда асосан ҳикоят жанри ахлоқий масалаларда ибрат бўла оладиган тимсоллар – тарихий шахслар, подшоҳлар, вазир, амир, шайхлар ва оддий халқнинг доно, ишбилармон, тадбиркор кишилари мисолида ҳикоя қилинган воқеалардан ташкил топган. Худди шу типдаги ҳикоятлар тарихий асарларга тарихий шахслар билан боғлиқ воқеаларни баён қилишда, уларнинг шахсий сифатлари, инсоний фазилатлари, олижаноблиги ва бошқа жиҳатларини кўрсатиш мақсадида келтирилган. Бундай мазмундаги ҳикоятлар асарнинг дидактик хусусиятларини кенгайтирган.

Тарихий мавзудаги асарларда ҳикоятлар композицияси турлича. Муқим қурилишга эга эмас. Бироқ ҳикоят сюжети ва ундаги бир неча образлар жанрга қўйилган талабларни ўзида акс эттиради. “Жомеъ ут-таворих” да Чингизхон ўғилларининг ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб ҳикоятлар бериб ўтилган. Масалан, Угадайхонга бағишланган ҳикоят. Мазкур ҳикоятларда тарихий шахсларнинг шахсий фазилатлари, амалга оширган ишлари, муҳим инсоний ва ахлоқий сифатлари ҳақидаги маълумот берилади. Ҳикоятларнинг асосий қаҳрамони тарихий шахслардир. “Олтин Ўрда адабиёти ва унга яқин даврлардаги

ҳикоятларга эътибор берсак, ҳикоятларнинг қаҳрамонлари тарихий шахслар экани яққол кўзга ташланади. Бу – ўзбек мумтоз адабиётида ҳикоят жанрининг битта қирраси.

“Шажарайи турк” асарида ҳикоят жанри талабларига мос келадиган бир қанча мисолларни келтириш мумкин. “Бадай ва Қишлиқ элининг зикри”да Чингизхонни ўлимдан қутқариб қолган “Икки йилқичи” ҳақидаги ҳикоят келтирилган. “Килгит уриқиндин бир кишининг икки ўғли бор эди. Улуғининг оти Бадай ва кичигининг оти Қишлиқ. Бу иккиси Кирайт Ўнгхоннинг бир бегининг йилқисини боқарлар эрди. Бир кун йилқидин сут келтуруб, эвнинг эшикина келди эрса, ичкарида бек сўзлай турур. Не айта эрканлар теб, қулоқ солиб турди. Хотунига айтди: “Совутни ва Қуёқни чиқариб қўй”. Бу кеча Ўнгхон отланиб бориб Чингизни эвинда босатурур, икки хоннинг эвлари яқин эрди. Ўнгхон ота ва Чингизхон ўғил бўлиб, фароғат ўлтуруб эрдилар. Бадай ичкари кириб сутни берди. Йилқига келиб инисига айтди. Булар мўғул эрди. Чингизхон ҳам мўғул. Ўз подшоҳининг ўларина тоб келтира билмай, Кирайт халқи бошқа ёт эл Чингизхонга келиб айтдилар. Мунинг ҳикояти узун дoston турур. Булар сабабли Чингизхон ўлудин қутулди. Бу иккисини тархон (солиқ ва айбланишдан озод қилинган – М.А.) қилди” [“Шажарайи турк”, 40–41-бетлар].

“Шажарайи турк”да Эрон ва Туронда подшоҳлик қилган Ўгадой қооннинг баъзи қилиқлари ва афъолларининг зикрида, унинг ибратли ишлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бир сарлавҳа остида бешта кичик ҳикоят келтирилади. Уларнинг мавзулари турлича:

1. Туш мотиви орқали берилган ҳикоят;
2. Бировнинг уйига рухсатсиз кирган навкар ҳақидаги ҳикоят;
3. Темирчи ҳақидаги ҳикоят;
4. Савдогарлик қилмоқчи бўлган қари киши тўғрисидаги ҳикоят;
5. Муфлис киши ҳақидаги ҳикоятларни баён қилади [қаранг: 1; 85–86-бетлар].

Ҳикоятларнинг композицион қурилиши содда ва ихчам. Сюжети ҳам катта эмас. Бироқ аниқ бир воқеа тасвири мавжуд. “Зикр”нинг ичида Ўгадойхоннинг қилган яхши ишлари ва насиҳатлари қисқа сюжетда кетма-кет баён этилади. Ҳар бир ҳикоят ўзига хос мавзу, сюжет ва образлар қатламига эга. Маълум бир воқеликни ёритишга қаратилган. Ҳар қайси ҳикоятда бош қаҳрамон Ўгадойхоннинг ўзи. Унинг донолиги, тадбиркорлиги ва адолати улуғланади. Тарихий асарлардаги тарихий шахслар тасвирида муаллиф ўз қаҳрамонининг сифатлари, яхши одатлари, ижобий фазилатларини ёритишда ҳикоят жанридан фойдаланади. Бир тарихий шахс билан боғлиқ бир неча ҳикоятларни келтиради. Бундай ёндошув муаллифнинг ижодий мақсади асосида юз берган.

Абул Муҳаммад ҳақидаги ҳикоят ўқувчини чуқур ўйлашга, мушоҳада қилишга чақиради. Абул Муҳаммад Марвда хон бўлди. Унинг Жалол отли ўғли бор эди. Қизилбош Жалолни ўлдирди. Абулхон ёлғиз қолди. Ўғлидан айрилгандан кейин бетоб бўлиб қолади. Ҳеч ким унинг касалини аниқлай олмайди. Машҳаддан табиб келтирадилар. Ул айтди: “Бу якка ўғлиндин айрилиб турур. Яна ўғли бўлса яхши бўлур, йўқ эрса бўлмас. Халқ айтдилар: фарзанд зўр бирлан ё мол бирлан муяссар бўлур нимарса эрмас. Марвда бир заифа бор эрди, Пайпайча отли, хотунлар орасинда даф қоқиб, нақш айтиб юрур эрди. Ҳеч эрга борган эрмас эрди. Тўрт яшар ўғли бор эрди. Ўғлини бекларнинг олдина олиб келди-да, айтди: “Бир кеча хон менга нақш айтурдилар-да, менга майл қилдилар. Ҳомила бўлуб, шу ўғулни топдум. Бу вақтинча хоннинг ҳарамлари хонимидин қўрқуб айта билмай эрдим”.

Беклар ўғлонни табибга топшурдилар. Табиб хон қатиға олиб борди. Хон ул вақтда кишини яхши танитай эрди. Табиб ўғлонни, хонни яланғоч қилди. Хоннинг қўйнига солди. Устина юрқан ёпиб ётқузди. Тақи хонга қичқируб айтди: “Бу сизнинг ўғлунгиз турур”. Кунда уч вақт шундақ қилди. Хон кун-кундин илгари бўлди. Тақи яхши бўлди. Ани ўғул қилди. Нурмухаммад от қўйди” [“Шажарайи турк”, 142–143- бетлар].

Тарихий-настрий асарларда асосан тарихий шахсларнинг сифати келтирилган ўринларда уларнинг хайрли ишлари, инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоят берилган. Жумладан, “Шажарайи турк”да “Али Султоннинг сифати”, “Пўлод Султоннинг сифати”, “Тумур Султоннинг сифати”, “Маҳмуд Султоннинг сифати” каби сарлавҳалар остида маълумот берилади. Муаллиф тарихий шахсларнинг сифатларини кўрсатишда ҳикоят жанридан фойдаланади.

“Али Султоннинг сифати”да “Али султон яхши киши эрди. Ҳожимхон айтур эркандур: “Ёдгорхон замониндин то бу чоқғача Алидай киши туқғани йўқ. Қилиқли ва оғзи ор ва жовға баҳодир ва жуванмард сурфали, саранжомли, навкарнинг аҳволи яхши қарайтурған, одил сиёсатли, бўйни берк, ҳаёси ҳаддин, ниҳоятдин зиёда. Бу ғоятда ким, ўлуб боратурғанда оталиқи Отабой теган жони бормикин, йўқмикан кўрайин теб, қўлин юрқанинг остига солиб, оёқин тутубти. Ўлуб боратурған киши кўзин очиб айтиб турур: “Ўлмасдин бурун обрўйимни ва ҳаёмни кетардинлар” [“Шажарайи турк”, 145–146-бетлар]. Ҳикоятда инсонга хос ҳаё талқини оддий жумлаларда таъсирчан қилиб, ҳикоят қаҳрамони тилидан баён этилган.

“Темур Султоннинг сифати” сарлавҳаси остида ибратли воқеа ҳикоя қилиб берилади. Дастлаб муаллиф ўз қаҳрамонининг шахсий сифатларига эътибор қаратади. “Ақли оз, сўзи бенамак, аммо қилган ишларининг барчаси яхши. Жовға баҳодир, одил, то ўлгунча киши эвина меҳмон бўлиб ош емайду”. Бир сафар акасини кўргани Ҳозарасбдан Хевақга келибди. Пўлод Султоннинг уйғур оталиғи Индибойнинг илтимосига кўра, унинг уй (эв)ига тушиб, ошини ебди. Қиш кунларининг бирида Султоннинг устига зарбофт тошли олтин тутмали қиш пўстини бор экан. Уни оталиқнинг орқасига солибди. Султон айтадики, ўн беш ёшга етганда, бир кун беш-ўн йигит билан Вазирнинг дарвозасидан чиқиб, сайр қилиб юрган эдим. Бир овулга келдим. Эв эгаси ўз уйига таклиф қилди. Ул кишининг хотирин йиқа билмай тушдим. Бир қўй ўлтуриб келди. Унинг ўчасини олиб келиб, отамга бердим. Отам сўради: “Бу не эт турур? Қатимға борган кишилар айтдилар: “Султон сайрга чиқиб эрдилар, бир бой таклиф қилиб, бир қўй сўйиб эрди. Шунинг ўчаси турур”. Шундай дегач отам: “Қамчи олиб кел”, – деди. Кейин айтди: “Менинг ёшим элликка етиб ҳанузгача киши эвина тушмайман. Сен ўн бешга етмай киши эвина тушиб қўй есанг, йигирмага етгандан сўнг йилқи ерсан, сендин не кўрса навкарларинг шуни қилур теди”. Тақи кишига туттуруб ўз қўли бирлан юз қамчи урди. Юзумдин қон равон бўлди. Андин сўнг қайтиб кўрунишхонадин чиқиб бора эрдим, улуғ ақамиз Ҳожи Муҳаммадхон учраб, “омонмусен Темур, не ҳолинг бор?”, теди. Воқеотни баён қилдим. “Хўб қилибти, яхши қилибти, отанг. Юзунгни қонини ювма, бу оқ тўнунгни чиқариб ташлама. Саба (сахар, тонг – М.А.) эрта келиб отангни кўр”, – теди. Мен андақ қилдим. Отам аввал насиҳат айтди. Сўнг қилган ишина пушаймон бўлиб, узр айтди. Тақи туркманнинг тевачи уруғини берди, сенинг энчинг бўлсун, теб. Ул вақтда тевачи беш-олти минг эвлик бор эди. Шулу кунни Худой таолони гувоҳ

қилиб онт ичибман, “Мен ўлгунча киши эвина тушмайин, агар билсам навкарларимни ҳам тушурмайин”, – теб” [“Шажарайи турк”, 148–149- бетлар].

Хулоса қилиб айтганда, адабий-тарихий асарларда келтирилган ҳикоятлар турли мавзуларда баён этилган. Подшоҳлар, шахзодалар, саркардаларнинг юришлари, жанглари, ҳаётлари ҳақидаги воқеалар тафсилида бирор доно киши, подшо ёки вазирнинг ибратли сўзлари, қилган ишлари ва амаллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Шу боис ҳикоятлар шакл ва мазмун жиҳатидан бир-бирини такрорламайди. Тарихий асарларда ҳикоятлар бирор тарихий шахснинг ибратли ишларини баён қилиш учун; жангга киришиш олдидан кўшинни руҳлантириш мақсадида; фарзандларига ўғит ва насиҳат бериш мақсадида; ота-бола ва ака-ука муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида келтирилган. Бундай поэтик ёндашув тарихий асарларнинг адабий-эстетик ва тарбиявий аҳамиятини оширишга хизмат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон. 1990. – 192 б.
2. Болтабоев Ҳ. “Маснавийи шариф” ҳикоялари. Қуйидаги китобда: Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. 1, 2- ва 3-дафтарлар. Тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Adabiyot uchqunlari” нашриёти. 2014. – 418 б.
3. Владимирова Н.В. Ўзбек ҳикояларида ғоя ва образ. – Т.: 1969.
4. Ғанихўжаева Н. Навоий ҳикоятларининг асосий манбалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1967. – № 4. – Б. 20–23;
5. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. – Л.: Наука, 1979. – С. 158–173. // Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965. – С. 405–406.
6. Жумаев Р. Н. Маснавийи маънавий ва “Лисон ут-тайр”даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили. PhD дисс. Автреф. – Т.: 2018. – Б. 11–12.
7. Курбанниязов М.А. XIV аср ўзбек адабиётида ҳикоят жанри тараққиёти (“Қисаси Рабғузий” мисолида). Ф. ф. д. (PhD) дисс. – Т.: 2018. – 173 б.
8. Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи, иккинчи ва учинчи дафтарлар. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тузатилган учинчи нашри. – Т.: “Adabiyot uchqunlari” нашриёти. 2014. – Б. 12.
9. Мирзааҳмедова М. Хожа ҳикоятлари. Ф.ф.н. дисс. –Т.: 1970.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2005. – 330 б.